3 БОЛАЛАР МАНФААТИ ҚОНУН ҲИМОЯСИДА



6 КУЧ — БИРЛИКДА, ҲАЛОВАТ — ТОТУВЛИКДА



15 ЗАФАРГА БОШЛАГАН ИРОДА



КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Нашр индекси - 131

# ЖАМИЯТ

2006 йил 31 августдан чоп этила бошлаган

Газетанинг чакана савдода белгиланган нархи — 190 сўм

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА www.jamiyatgzt.uz 2007 йил 11 май № 19 (32)

## ОНА — САДОҚАТ ВА ЭЗГУЛИК ТИМСОЛИ



*Она ҳар қандай эъзоз ва қадрлашга, юксак ҳурмат ва эҳтиромга лойиқ мўътабар зот. Оилани ҳам, жамиятимизни ҳам бирлаштириб, унга файзу баракот киритадиган, оламни эзгулик нури билан мунаввар қиладиган ҳам шу мунис оналаримиздир.*

*Бундан ярим аср муқаддам ўзбек рассоми Раҳим Аҳмедов ўзининг энг яхши асарларидан бири — «Она хаёли»ни яратган эди. Мушфиқ оналаримизнинг ёрқин сиймоси акс этган ушбу асар тез орада умумхалқ эътирофига сазовор бўлди, унинг муаллифи эса эл-юрт назарига тушди.*

*Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг Раҳим Аҳмедовнинг мазкур дурдона асари давлатимиз раҳбарининг таклифига биноан пойтахтимиздаги Хотира майдонида қад ростлаган Мотамсаро она қиёфасида қайта жонланди.*

*Бугун бу муқаддас майдонга ташриф буюрган зиёратчилар садоқат ва эзгулик, меҳру муҳаббат тимсоли бўлмиш Мотамсаро она ҳайкали сиймосидаги ўзбек аёли хотирасига ҳурмат бажо келтирадилар.*

2-4 саҳифада

### ҲАФТАНИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

***5 май** - «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони ва «Олтин юлдуз» медали, «Мустақиллик», «Дўстлик» орденлари ҳамда «Жасорат», «Шуҳрат» медаллари таъсис этилган кун. Истиқлол йилларида юзлаб ватандошларимиз мустақил давлатимизнинг ана шундай юксак мукофотларига сазовор бўлдилар.*

Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида 7 май куни Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Корея ҳукуматлараро қўшма комиссиясининг бешинчи мажлиси бўлиб ўтди. Унда икки мамлакатнинг нефть-газ, банк-молия, транспорт, енгил саноат, алоқа ва ахборотлаштириш каби соҳаларида фаолият кўрсатаётган қатор вазирлик ва идоралари, фирма ва компанияларидан вакиллар иштирок этди.

***8 май** куни пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ» мажмуасида «Uzbekistan AGROMINITECH EXPO-2007» иккинчи халқаро ихтисослаштирилган кўргазма — савдоси иш бошлади. Унда Германия, Венгрия, Япония, Белгия, Австрия, Хитой, Россия, Жанубий Корея, Малайзия, Эрон, Ҳиндистон, Исроил, Украина каби давлатларнинг 200 юзга яқин компания ва фирмалари ўз маҳсулотлари намуналари ҳамда хизмат турлари билан иштирок этмоқда.*

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 10 май куни Оқсаройда Россия Федерацияси саноат ва энергетика вазири Виктор Христенкони қабул қилди. Учрашувда Ўзбекистон билан Россиянинг энергетика соҳасидаги ҳамкорлигини янада кенгайтиришга оид долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Интернет тармоғида газетамизнинг веб-сайти очилди: www.jamiyatgzt.uz

2007 йил 11 май № 19 (32)
ЖАМИЯТ
СИЗНИНГ ГАЗЕТАНГИЗ

*Халқимиз, айниқса, ёшларимиз онгу шуурида ўтганларни ёд этиш, тирикларни қадрлашдек эзгу фазилатлар тобора мустаҳкам қарор топмоқда. Тарихдан сабоқ чиқариб, ўтмишда йўл қўйилган хатоларни такрорламай, миллий ўзликни англаган ҳолда музаффар аждодларнинг ҳеч кимдан кам бўлмаган авлоди эканимизни унутмай яшамоқдамиз. Зеро, бу ёруғ ва дориломон кунлар йўлида қурбон бўлганлар руҳини шод этиш, мўътабар кексаларимиз дуосини олиш, тинч ва осойишта замоннинг қадрига етиш ва шукроналик туйғуларини ҳис этиш бизга катта қувват бағишлайди, руҳимизни поклаб, янгидан-янги бунёдкорликларга чорлайди.*

## ХОТИРА ВА ҚАДР – ИНСОН РУҲИГА МАЛҲАМ, ИРОДА ВА ИЙМОНИГА ҚУВВАТДИР

*Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан Хотира ва қадрлаш куни деб эълон қилинган 9 май мамлакатимизда кенг миқёсда нишонланди*

**Улуғбек БОБОЕВ**

9 МАЙ куни пойтахтимиздаги Хотира майдони янада гавжум бўлди. Бу ерга уруш ва меҳнат фахрийлари, ҳукумат аъзолари, депутатлар ва сенаторлар, ҳарбийлар, жамоатчилик вакиллари ташриф буюрдилар.

Миллий меъморчилик анъаналари асосида бунёд этилган маҳобатли айвон устунларидаги нозик нақшлар қуёшнинг заррин нурларида жозибали товланади. Жанггоҳларда жон фидо этган ва-



тандошларимиз номлари «Хотира китоби»нинг заррҳал варақларига мангу муҳрланган. Мотамсаро она қиёфасида ғамгузор, айни пайтда улуғвор умид намоён. Унинг пойидаги мангу олов уруш хотираларини жонлантиргандек бўлади...

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шу куни эрталаб ҳарбий оркестр садолари остида Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.

Президентимиз Иккинчи жаҳон урушида жон фидо қилган минглаб юртдошларимиз хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

Иккинчи жаҳон урушидаги тарихий ғалабани таъминлашда юртдошларимиз кўрсатган жасорат ва хизматларнинг ўрни ҳамда аҳамияти беқиёс. Ватандан минглаб чақирим олисларда кечган беаёв жангларда кўксини душман ўқига қалқон қилган, юрт соғинчи ва қадрдонлар дийдорини дилга тугиб курашларда жон олиб, жон берган минглаб ўзбек ўғлонларининг матонати юракларда мангу яшайди. Фронт ортида меҳнат қилган, уруш туфайли ота-онасидан айрилган европалик минглаб етимесирларга бошпана берган, ўзи ва фарзандларининг ризқу насибасини ўзгалар билан баҳам кўрган меҳридарё ватандошларимиз фидойиликлари тоабад унутилмайди.

Хотира ва қадрлаш кунининг бу гал «Ижтимоий ҳимоя йили»да нишонланаётгани унинг аҳамиятини янада оширди. Президентимиз Ислом Каримовнинг яқинда эълон қилинган «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармони кекса авлодга кўрсатилаётган эҳтиромнинг яна бир ёрқин намунасидир.

## ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШНИНГ ШАХДАМ ОДИМЛАРИ

*Яқинда оммавий ахборот воситаларида «2007 йилнинг биринчи чорагида Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари тўғрисида Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда Давлат статистика қўмитасининг ахбороти эълон қилинди.*

УНДА қайд этилишича, жорий йилнинг биринчи чорагида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва жойлардаги давлат ҳокимияти органлари амалга оширган чора-тадбирлар Президент Ислом Каримов томонидан белгилаб берилган 2007 йилда иқтисодий ислоҳотлар соҳасидаги устувор вазифаларни бажаришга, шунингдек, ривожланишнинг комплекслар ва тармоқлар бўйича аниқ мақсадли муҳим дастурлари ижросини таъминлашга қаратилди. Бу эса иқтисодиётда ижобий таркибий ўзгаришларга ва макроиқтисодий ҳамда соҳалар ривожланиши бўйича прогноз кўрсаткичларга эришиш имконини берди.

**Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари**
***(ўтган йилнинг шу даврига нисбатан фоиз ҳисобида)***

| Кўрсаткичлар номи | 2006 йилнинг 1-чораги | 2007 йилнинг 1-чораги |
|---|---|---|
| Ялпи ички маҳсулот | 103,6 | 109,1 |
| Саноат маҳсулотлари ҳажми | 106,8 | 112,0 |
| Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш | 114,2 | 120,7 |
| Ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари | 104,5 | 105,5 |
| Асосий капиталдаги инвестициялар | 104,5 | 136,4 |
| Қурилиш ишлари | 103,6 | 112,8 |
| Чакана савдо айланмаси | 107,5 | 116,5 |
| Аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш | 111,8 | 125,0 |

Рақамлар ва таққослашлардан кўриниб турибдики, жорий йилнинг биринчи чорагида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш борасида мамлакатимизда салмоқли ютуқлар қўлга киритилган. Шубҳа йўқки, бу ижобий натижалар мамлакатимизда макроиқтисодий мувозанатни ва иқтисодиётнинг юқори суръатда барқарор ўсишини таъминлайдиган иқтисодиётни янада эркинлаштириш ҳамда таркибий ислоҳотларни жадаллаштириш бўйича амалга оширилаётган сиёсат натижасидир.

**Сиёсий партиялар**

## ФАХРИЙЛАР – БИЗНИНГ ФАХРИМИЗ

*Ижтимоий ҳимоя йили муносабати билан мўътабар кексаларимизга кўрсатилаётган ғамхўрлик янада кучайди. Бу эзгу ишга давлат идоралари, ташкилотлари билан бир қаторда нодавлат ва жамоат ташкилотлари ҳам кенг жалб қилинган. Жумладан, Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партиясининг миллий қадриятларга мос келадиган ҳаётий муҳитни ҳимоялаш йўлида амалга ошираётган ишлари ҳам диққатга сазовордир.*



**Дониёр ТОШБОЕВ**

ЯҚИНДА мазкур партия ташаббуси билан 9 май — Хотира ва қадрлаш куни умумхалқ байрами муносабати билан Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани Ички ишлар бўлимининг маънавият марказида ФМДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракция аъзолари ва таниқли адиб ва шоирлар иштирокида ўтказилган «Фахрийлар — бизнинг фахримиз» мавзуидаги хотира кечаси бўлиб ўтди.

Тадбирда «Мамлакатимизда инсон манфаати энг олий қадрият», «Хотира ва қадрлаш маънавиятимиз асоси» ва «Инсон хотираси муқаддас, инсон қадри улуғ» мавзуларида чиқишлар қилинди.

Дарҳақиқат, ҳар бир шахсда ўз халқининг қадр-қимматини, ор-номусини баланд қўйиш, Ватан учун масъуллик кўникмаларини мустаҳкамлаш, «Халқ манфаати — ҳамма нарсадан устун, Ватан туйғуси — ҳар нарсадан улуғ» ғоясини ҳаётга татбиқ этиш, уни миллий маънавий тарбиянинг бош омилига айлантириш энг муҳим масаладир.

Тадбир сўнггида фахрийлар ва хизмат бурчини ўтаётган чоғида жасорат кўрсатиб, мардларча ҳалок бўлган ички ишлар ходимларининг оила аъзолари ва яқинларига миннатдорлик рамзи сифатида совғалар улашилди.

## ИККИ ТОМОНЛАМА ҲАМКОРЛИК

*8-9 май кунлари Тошкентда «Ўзбекистон Республикаси – Европа Иттифоқи»нинг адлия, ички ишлар, инсон ҳуқуқлари ва бошқа дахлдор масалалар бўйича Кичик қўмитасининг навбатдаги тўртинчи йиғилиши бўлиб ўтди. Ўзбекистон делегациясига Адлия вазири Ф.Отахонов бошчилик қилди. Европа Иттифоқи делегацияси таркиби ҳозирда Европа Иттифоқига раислик қилиб турган Германиянинг, Европа Иттифоқи Комиссияси ва Кенгашининг юқори мартабали экспертларидан иборат бўлди.*

ЙИҒИЛИШ давомида томонлар терроризм, наркотрафик ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш, чегараларни бошқариш, божхона ва суд-ҳуқуқ тизимини ривожлантириш, шунингдек, мазкур соҳалардаги икки томонлама ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболига оид масалаларни муҳокама қилдилар.

Илгари эришилган келишувларни ҳисобга олган ҳолда, Кичик қўмита доирасида Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасида демократик ривожланиш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, Ўзбекистон ва Европа Иттифоқига аъзо мамлакатларда фуқаролик жамиятини мустаҳкамлаш борасидаги аҳвол қамраб олинган инсон ҳуқуқлари бўйича кенг кўламли масалалар юзасидан, шунингдек, ушбу йўналишдаги ҳамкорликнинг истиқболига оид мунтазам равишдаги музокаралар бошланди. Музокаралар тенг ҳуқуқлилик, ўзаро ҳурмат ва ички ишларга аралашмаслик тамойилларига асосланади.

Амалий ва ҳамфикрлик руҳида ўтган йиғилиш якуни бўйича томонлар ушбу музокаралардан қониқиш ҳосил қилганликларини билдирдилар.

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги матбуот хизмати**

***Мамлакатимизда бола ҳуқуқларини ҳимоялаш борасида ўзига хос қонунчилик тизими яратилган. Биргина ижтимоий ҳимояга доир қонун ҳужжатларига назар соладиган бўлсак, бу йўналишда қабул қилинган юзга яқин меъёрий ҳужжатларнинг аксарияти болалар манфаатини кўзда тутади. Бола ҳуқуқлари, аввало, конституциямиз, оила, фуқаролик, меҳнат, жиноят кодекслари ва бошқа қонунлар билан ҳимоя қилинади.***

# БОЛАЛАР МАНФААТИ ҚОНУН ҲИМОЯСИДА



**Зуфар ГАЗИЕВ**

ЯҚИНДА Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ва қуйи палатанинг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси ташаббуси билан «Бола ҳуқуқларини ижтимоий ҳимоя қилишнинг қонуний асослари» мавзуида конференция бўлиб ўтди. Унда Қонунчилик палатаси депутатлари, сенаторлар, тегишли вазирлик ва идоралар, нодавлат ҳамда халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Мамлакатимизда кейинги икки йилда болалар уйлари ва мактаб интернатларини капитал таъмирлаш, замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлашга 6,5 миллиард сўмдан ортиқ давлат ва ҳомийлик маблағлари йўналтирилгани ҳам бу масалага нечоғлик катта аҳамият берилаётганини кўрсатади. «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»да ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган умумий харажатлари давлат бюджетининг 51 фоизи ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич ушбу йилда 54,1 фоиз этиб белгиланган. Ёш болали оилалар, кам таъминланганларга бериладиган ижтимоий нафақалар учун мўлжалланган харажатлар ҳам бюджетнинг катта миқдорини ташкил этмоқда.

Анжуманда «Ижтимоий ҳимоя йили» давлат дастури доирасида «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун қабул қилиш долзарб вазифалардан бири экани таъкидланди. Иштирокчилар мазкур қонун болаларнинг ҳуқуқларини кафолатловчи қоида ҳамда бошқа ҳуқуқий меъёрларни мустаҳкамлаш заруратидан келиб чиқиб қабул қилиниши мақсадга мувофиқ эканини айтиб ўтишди.

Шунингдек, болалар қонуний манфаатлари ҳимояси билан нафақат давлат тузилмалари, балки кўплаб нодавлат нотижорат ташкилотлар фаол шуғулланаётгани тилга олинди. Хусусан, «Соғлом авлод учун», «Сен ёлғиз эмассан» жамғармалари, «Болалар жамғармаси», «Меҳр нури», «Ҳаёт» нодавлат ташкилотларининг бу борадаги саъй-ҳаракатлари ижобий баҳоланди.

# ИЖТИМОИЙ МОСЛАШУВ

## ногирон болаларнинг тенгдошлари билан баб-баравар ўсиб-улғайишини таъминлайди

***Газетамизнинг ўтган сонида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Навоий вилоятидаги ижросига бағишланган йиғилиши ҳақида хабар берган эдик. Ушбу Қонуннинг Навоий вилоятидаги ижросини таҳлил этишда қатнашган депутатлар ҳудуддаги учинчи сектор фаолиятида маҳаллий давлат органлари билан ижтимоий ҳамкорлик мунтазам йўлга қўйилганини таъкидлади. Жумладан, бу фикрлар вилоятдаги «Умр» нодавлат нотижорат ташкилоти мисолида ҳам яққол намоён бўлади.***

**Нурали ШОДИЕВ,**
**«Жамият» мухбири**

«УМР» нодавлат нотижорат ташкилоти 2001 йилда ташкил топган бўлиб, фалаж-ногирон болалар ва ўсмирларга тиббий-ижтимоий кўмак бериш, уларни педагогик таълим олиши, ҳуқуқий ахборотларга эга бўлиши ва уларни иш билан таъминлашга шароит яратишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Мазкур марказнинг ташаббуси билан Навоий шаҳар ҳокимининг қарорига мувофиқ шаҳардаги 26-сонли болалар боғчасида фалаж-ногирон болалар учун махсус гуруҳ очилди. Ушбу гуруҳни ташкил этишдан мақсад ногирон болаларнинг соғлом тенгдошлари орасида ижтимоий мослашувига ёрдам беришдир.

— Биз бу гуруҳни очганимизда ҳали тегишли ҳужжат ва методик адабиётлар йўқ эди, — дейди «Умр» нодавлат ташкилоти раҳбари Назира Юсупова. — Шу боис ўзим раҳбарлик қилаётган боғчада ишни йўлга қўйдик. Аввал бошидан соғлом болалар билан ногирон болаларни ажратмадик, ишни уларнинг ҳар бирига индивидуал ривожланиш картасини тўлдиришдан бошладик. Улардаги ақлий ва жисмоний ривожланишни мунтазам кузатиб бордик.

«Умр» нодавлат ташкилоти лойиҳалари амалга оширилишида давлат муассасалари доимо ёрдам бериб келади. Биргина махсус гуруҳ очиш учун Навоий шаҳар ҳокимлиги томонидан тўртта тегишли қарор чиқарилди. Бу саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ шаҳардаги 3 та болалар боғчасида махсус гуруҳлар иш бошлади. Мослашув жараёни болаларнинг мактабгача ёшидан бошлангани яхши самара бермоқда. Бундай ёндашув боланинг янаям яхши ўқишига, атрофдагилар билан тез ва эркин мулоқотга киришишига замин яратади.

Ҳозирда мазкур нодавлат ташкилоти томонидан мутахассислар, шифокорлар ва ота-оналар билан ҳамкорликда ногирон болаларнинг соғлом тенгдошлари ўртасидаги муносабатларига асосланган бир қатор ўқув қўлланмалар чоп этилган.

«Умр» нодавлат ташкилотининг ногиронлар учун пандус (ногиронлар аравачалари учун йўлак)лар қуриш ташаббусини вилоят ҳокимлиги қўллаб-қувватлади ва шаҳар ҳокимлигининг «Навоий шаҳрида пандуслар қурилиши тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Бу кунгача болалар боғчаларига 15 та пандус қуриб берилди, улардан учтаси 26-сонли болалар боғчасида бунёд этилди. Маҳалла қўмиталари билан ҳамкорликда маҳаллаларда яшовчи аравачада юрадиган ногиронлар ҳақида маълумотлар тўпланди.

Навоий тоғ-кон металлургия комбинати томонидан керакли жойларга пандуслар қуриб берилди. 26-сонли болалар боғчасида эса соғломлаштириш маркази очилди. Унда махсус спорт анжомлари мавжуд, тиббий мутахассислар кузатувида ҳар хил индивидуал дастурлар ишлаб чиқилган. Ногирон болаларнинг боғчадаги ўқишлари ҳам индивидуал дастур асосида олиб борилади. Боғча базасида бошланғич инклюзив мактаб очиш ногирон болаларга боғчадан мактабга (таъсирсиз) ўтишига ёрдам беради. «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»да 11 та мактаб билан ҳамкорликда биринчи инклюзив синфлари очилди. 2007 йил 6 мартда вилоят ҳокимлиги қарорига асосан 26-сонли болалар боғчаси — инклюзив мактаб-болалар боғчасига айлантирилди.

Мазкур боғчада фалаж-ногирон болалар компьютер билан ишлашни ўзлаштирмоқдалар. Шу боис «Умр» нодавлат ташкилоти Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш фонди томонидан эълон қилинган тўртинчи грантлар танловига «Фалаж-ногирон болаларни компьютерга ўргатиш» лойиҳасини тақдим этди.

Республика «Аёллар кенгаши» жамоат бирлашмаси томонидан ногирон болалар учун хайрия сифатида берилган кийим-кечакларни тарқатиш ишларида ҳам «Умр» нодавлат ташкилоти фаол иштирок этмоқда. Бу эса мамлакатимизда эл-юрт фаровонлиги ва равнақи йўлида нодавлат ташкилотлар ва маҳаллий давлат органларининг мақсадлари муштарак эканидан далолатдир.

# ЖАМИЯТ ВА АЁЛ

***Яқинда юртимизга ташриф буюрган Париж Юқори инстанция суди прокурори ўринбосари, Париж аёл ҳуқуқлари бўйича ахборот маркази маъмурий кенгашининг аъзоси Франсуаза Гийо хоним мамлакатимиздаги нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолияти билан яқиндан танишди ва уларда аёлларнинг тутган ўрнига алоҳида эътибор қаратди.***

**Матлуба АБДУРАҲМОНОВА**

Меҳмон Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциациясида ўтказилган давра суҳбатида аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Франциядаги давлат ва нодавлат ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлиги тўғрисида сўз юритди ҳамда ўз иш тажрибалари билан ўртоқлашди. У Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорликни янада ривожлантиришга тайёр эканини билдирди. Зеро, нодавлат ташкилотлар аёлларнинг жамиятда тутган ўрнини мустаҳкамлаш, уларнинг ҳуқуқий билимларини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси раисининг аёллар ва ёшлар йўналиши бўйича ўринбосари Н.Ғаффорованинг таъкидлашича, Франсуаза Гийо хонимнинг юртимизга ташрифи икки мамлакатнинг аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

*Бу кўҳна дунё ўз бошидан нималарни кечирмаган дейсиз. Улар орасида энг мудҳиши бу – урушлардир. Машъум урушлар доимо одамлар тақдирига таъсир қилиб, кўплаб инсоний йўқотишларга олиб келганки, бунинг ўрнини тўлдириш ўта мушкулдир.*

# САДОҚАТДА ИБРАТ БЎЛГАН МОМОЛАР

ШУНДАЙЛАР БЎЛМАСА АГАР ДУНЁДА,
БУНЧАЛАР МУХТАРАМ БЎЛМАСДИ АЁЛ...

**Васила КАРИМОВА,**
**Республика “Оила” илмий-амалий маркази директори, профессор**

ИККИНЧИ жаҳон уруши жонажон юртимиз Ўзбекистон ҳаётида ҳам жиддий из қолдирди. Ўша даҳшатли йилларда юртимиздан урушга йўл олган аксарият йигитлар оилали, бола-чақали бўлишган. Жанг майдонларида шаҳид кетган аскарларнинг минглаб бевалари иссиқ бағрига боласини босиб, жудоликнинг аччиқ қисматига дош берганлари ҳам айни ҳақиқат. Урушда қон кечиб юрган ўғлонларга файзли хонадони, нонning тотли ҳиди, севимли ёри, мунис онаси, ширин фарзандлари, иш комларда пишиб турган узумлару саховатли боғини кўриш илинжи, Ватан соғинчи куч-қувват, битмас-туганмас матонат бағишлаган. Ана шу жангчиларнинг иболи, андишали, умр йўлдошлари машаққатли йиллар суронидан оиласини, бола-чақасини эсономон олиб ўтган фронт орти қаҳрамонлари сифатида тарихда ном қолдиришди.

Зеро, бола-чақасини асраган аёл, миллатнинг келажагини асрай билган улуғ зотдир. Бугун улар билан суҳбатлашиш, ўтган кунларни ёдга олиш, осойишта ҳаётимизнинг қадрига етиш, онахонларимизнинг эҳтиромини жойига қўйиш жуда муҳимдир.

Бугун биз билан ёнмаён яшаётган, ҳалиям ўша урушдан қайтмаган хонадон соҳибларини унутмаган 16 мингдан зиёд уруш бевалари хотирасига ҳурмат билан қараш – бизнинг бурчимиздир. Тошкентлик 91 ёшли Рихси ая Аҳмедова, 90 ёшли Мукамбар ая Муҳиддинова, 87 ёшли Мунаввархон ая Раҳимова, 85 ёшни қоралаган Ҳабибахон ая Мадикаримова ва уларнинг минглаб тақдирдошларининг ҳар бир сўзини, ўгитларини онгимизга муҳрлаб олишимиз зарур.

Ўтган йили «Нуроний» жамғармаси қутлуғ бир ишни нихоясига етказди. «Хотира» китобининг яна бир жилди нашрдан чиқарилиб, унда 1941 йилнинг 22 июнидан 1945 йилнинг 3 сентябригача бўлган даврда Иккинчи жаҳон уруши жангларига Ўзбекистондан кетган 431 мингдан ортиқ юртдошларимиз ҳақида маълумот берилган. Шу инсонларнинг йўлига кўз тутган, ҳанузгача кутаётган, ўша пайтда ўн гулидан бир гули очилмаган келинчакларни, етим фарзандларини вояга етказган мунис оналарни кўз олдимга келтирдим. Уруш бевалари билан суҳбатлашганда уларга шу пайтгача куч-мадор бераётган туйғу нима эканини билгим келди. Бу, аввало, яхши ният, эзгуликка, ғалабага, эртанги кунга ишонч, юракнинг тозалиги, меҳр ва вафонинг сарбаландлиги каби инсоний туйғулардир. Турмуш ўртоғининг бедарак йўқолгани, ҳалок бўлганини билганда уларни яшашга, сабр қилишга ундаган куч – бу, яна халқимизнинг ҳамдарлиги, жангдан қайтмаганлардан қолган тирик ёдгорлар — фарзандларни отасига муносиб қилиб тарбиялаш истагидир. Уруш йилларининг оналари бугун тинч-осуда ўтаётган ҳар бир кунга шукрона келтириб яшамоқдалар. Болаларини ҳалол меҳнат билан боқиб, касб-ҳунарли, элга, юртга нафи тегадиган инсонлар қилиб вояга етказганлар.



Мен бу сатрларни ёзар эканман, садоқатли ва муниса момоларимиз олдида кундан-кунга рўзғоримиз бут, ҳаётимиз фаровон, шаҳар ва қишлоқларимизнинг обод бўлиб бораётгани, ўқиш ва иш, оила ёки тадбиркорликни ривожлантириш учун катта имкониятлар яратилаётганидан шодланаман. Баъзан қўлида гулдай ҳунари бўла туриб, енгил даромад излаб, шаҳарма-шаҳар кезаётган опа-сингилларнинг улуғ оналаримиздан ибрат олмаётганидан ўкинаман. Борига шукур қилиб, миллий маънавиятимизга доғ туширмай, бирбиримиздан меҳр-муҳаббатимизни, садоқатимизни аямай яшашимиз, айниқса, «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилинган ушбу йилимизда ҳар бир оила ва унинг манфаатлари давлат ва жамиятимиз муҳофазасида бўлаётганининг қадрига етайлик. Буюк аждодларимиз, мард отахонларимиз, вафо-садоқатда барчага ўрнак бўла олган момоларимиз хотираси олдида юзимиз ҳамиша ёруғ бўлишига нима етсин?

Кўнглимизда борини, ота-боболар ибратини, ҳикматини эътиқодимизни кўпроқ ёшлар даврасида, фарзандларимиз, набираларимиз олдида изҳор қилайлик. Токи, уларда яшашнинг маъноси, тинчлик ва хотиржамликнинг моҳияти тўғрисида тўғри тушунча ва тасаввурлар шаклլансин. Юртимизнинг тинчлиги, халқ фаровонлиги, оилаларимизнинг мустаҳкамлиги йўлида амалга ошираётган барча эзгу ишларимизда улар биз билан елкадош, суянч бўлсинлар.

# КЕКСА АВЛОДГА – ИЗЗАТ-ИКРОМ

***Қорақалпоғистон Республикасида «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури асосида кекса авлод вакилларини авайлаб-асраш, уларга моддий ва маънавий ёрдам бериш, иззат-ҳурмат кўрсатиш чора-тадбирлари белгиланган. Республикада амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар асосан халқ фаровонлигини яхшилашга қаратилган бўлиб, у Оролбўйи минтақасида экологик вазиятни мўътадиллаштириш, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, инсон саломатлигини мустаҳкамлашга йўналтирилган режаларни қамраб олган.***

**Болтабой ЭРНАФАСОВ**

ҲОЗИР Оролбўйида 130 нафардан ортиқ 100 ёшдан ошган отахону онахонлар умргузаронлик қилишмоқда. Пенсиялар миқдори ошганлиги, меҳнат ва уруш фахрийларига яратилган имтиёзлар, халқимизга хос меҳр-оқибат, саховат ва мурувват, миллий қадриятларни тиклаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар пиру-бадавлат қарияларимизга ҳаётдан мамнун бўлиб, кексалик гаштини суриш имкониятларини янада кенгайтирмоқда.

Ҳозир Қорақалпоғистонда фахрийларни қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармасининг 2 та шаҳар, 15 та туман бўлимлари, 460 дан ортиқ жамоатчилик марказлари ишлаб турибди. 160 мингга яқин кам таъминланган оилалар, якка-ёлғизларга ҳомийлар ва мазкур жамғарма томонидан моддий ёрдам кўрсатилаяпти.

Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши, шаҳар, туман ҳокимликлари, жумладан «Маҳалла», «Экосан» жамғармалари дастур ижросини таъминлашга алоҳида эътибор бераяпти. 1150 дан ортиқ нафақахўр ва минг нафарга яқин ёлғиз қариялар ҳисобга олиниб, уларга корхона, ташкилот ва муассаса раҳбарлари бириктириб чиқилган. Рўйхатга олинганларнинг ярмидан кўпи диспансер кўригидан ўтказилди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож кишилар учун умумий баҳоси 29 миллион сўмлик дори-дармон, ногиронлик аравачалари, протез-ортопедия мосламалари тарқатилди. Айни пайтда 1000 нафардан ортиқ қария автотранспорт хизматидан бепул фойдаланмоқда.


Хотира ва қадрлаш куни
ҳамиша
тинчлик-хотиржамлик,
сиҳат-саломатлик,
хонадонларга файзу
барокотлар келтирувчи
айём бўлиб қолсин!
«ОҚТОШДОН» ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

*Мукаррам опа бугун ҳар қачонгидан кўра барвақт уйдан чиқди. Чунки амалга оширилиши керак бўлган ишлар талайгина. Опа ҳар тонг маҳалладаги ёлғиз кексалар ҳолидан хабар олишга одатланган. У бугун ҳам бир неча хонадонга кириб чиқди, йўл-йўлакай кўчалар четига ўтқазилган гул кўчатларини кўздан кечирди. Сўнгра мактаб томон йўл олди. Режалаштирган ишларининг бир қисмини битириб, маҳалла фуқаролар йиғини идорасига келганида, қабулхонада етти-саккиз киши гурунглашиб ўтирар эди.*



Сайдодил САЙДИСЛОМОВ,
«Жамият» мухбири

# КУЧ – БИРЛИКДА, ҲАЛОВАТ – ТОТУВЛИКДА

— АССАЛОМУ алайкум, — деди Мукаррам опа одатича қўлларини кўксига қўйиб. Ўтирганлар ҳам биринкетин ҳол-аҳвол сўрай бошладилар:

— Яхшимисиз, опа!

— Здравствуйте, Мукаррам апа!

— Раҳмат, — деди уларга жавобан Мукаррам опа. — Бироз куттириб қўйдим, хафа бўлмайсизлар-да!

— Э, қўйсангиз-чи, опа! — деди ёши қирқлардан ошган бир аёл. — Маҳаллақўй ташвиши билан югурдирсиз-да!

— Ишимизни битказиб берсангиз бўлди-да, синглим! — деди четроқда ўтирган мўйсафид. Унинг бу гапидан хонадагилар «гурр» этиб кулиб юборишди.

— Битмайдиган иш бор эканми? — деди Мукаррам опа ҳам кулиб. — Биргалашиб битказиб ташлаймизда, амаки. Нима гап, тинчликми?

— Катта ўғлимнинг рўзғорини алоҳида қилиб берсам дегандим, — суюнганча гап бошлади ҳалиги мўйсафид. — Биласиз, оиламиз катта. Омон бўлгур неваралар кўпайишиб, кенг ҳовли торлик қилиб қолди. Янги иморат қуриш учун ер олишга ёрдам берсангиз...

Мукаррам опа Исломова кўп йиллардан буён Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ туманидаги «Дўстлик» маҳалла фуқаролар йиғинига раислик қилиб келади. «Дўстлик» — тумандаги нуфузли маҳаллалардан бири ҳисобланади. Бу ерда ўндан зиёд миллат вакиллари бир оила фарзандларидек аҳил яшаб, меҳнат қилаяптилар.

— Маҳалламизда 510 та хонадон мавжуд бўлиб, уларда ўзбек оилалари билан бирга қозоқ, тожик, татар, рус, корейс ва бошқа миллатларга мансуб оилалар истиқомат қилади, — дейди Мукаррам опа. — Улар ҳамиша бир-бирлари билан ҳамжиҳат, яхши-ёмон кунларда бир-бирларига елкадош. Ягона тилагим — бундай меҳр-оқибат дунё тургунча турсин!

Таъкидлаш ўринлики, маҳалла фаоллари ўзаро меҳроқибатни янада кучайтиришга хизмат қиладиган турли таклиф ва ташаббусларни илгари суради. Мазкур таклиф ва ташаббуслар маҳалла аҳли томонидан қўллаб-қувватланганидан сўнг амалга оширилади. Маҳалла фуқаролар йиғини раиси эса буларнинг барчасига бош-қош.

Шу ўринда бир воқеани айтиб ўтиш жоиз. Икки йил олдин маҳаллада яшовчи Альберт Цой бошига кутилмаганда мусибат тушди. Унинг онаси ҳаётдан кўз юмди. Ёлғиз ўғил бўлган Альберт эркалик қилибми ёки бошқа сабаб билан жиноятга қўл уриб, жазога тортилган ва амнистия шарофати билан эндигина қамоқхонадан қайтган, ҳали ишга жойлашиб улгурмаган пайтлар эди. Шунда Мукаррам опа бошчилигидаги маҳалла аҳли унинг қайғусини ўз қайғусидек қабул қилди. Каттаю кичик Альбертга таскин бериб, дафн маросими ва маъракаларда ёнма-ён турди.

— Мен ўшанда чуқур қайғуга ботган эдим. Лекин маҳалла аҳли мени ёлғиз қолдирмади. Маҳалла фаоллари кенгашиб, онамнинг дафн маросими ва маъракаларини ўтказиб берди. Буни кўриб, маҳалланинг инсон ҳаётида тутган аҳамияти нақадар юксак эканини англаб етдим. Кейинроқ Мукаррам опа ишга жойлашишимга ҳам яқиндан ёрдам берди. Энди мен бу аёлни онамдек кўраман, — дейди Альберт мамнуният билан.

«Дўстлик» маҳалласида миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик мавзулари бўйича мунтазам равишда давра суҳбатлари ўтказиб келинади. Мазкур давра суҳбатларида асосан ёшлар иштирок этади. Уларга мамлакатимизда истиқомат қилаётган, миллати, дини ва тилидан қатъи назар, Ўзбекистонни ўз она юрти деб биладиган барча фуқаролар учун кенг имкониятлар яратилгани ҳаётий мисоллар асосида тушунтириб борилади.

— Озод ва обод Ватан тушунчаси муқаддасдир. Мустақил Ватанимиз равнақ топиб, гуллаб-яшнамаса, унинг ҳудудида яшайдиган фуқаролар ҳам кўзлаган мақсадларига эриша олмайди. Шундай экан, ҳар биримиз Ватан тараққиётига муносиб ҳисса қўшишимиз ва бу борада ёш авлодга ўрнак бўлишимиз керак, — дейди маҳалланинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Мукофот Исломова.

Маҳалла фуқаролар йиғини туман ҳокимлиги, «Маҳалла» ва «Нуроний» жамғармалари ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман бўлимлари билан ҳамкорликда мунтазам ўтказиб келаётган тадбирлар доирасида маҳалла аҳлига, айниқса, ёшларга мамлакатимизда турли соҳаларда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар моҳияти ва аҳамияти ҳақида атрофлича маълумот берилади.

Маҳаллада оммавий спорт турларини ривожлантириш, ёшлар ўртасида миллий ва умуминсоний қадриятлар ҳамда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ўсмир ёшдаги қизларни ҳаётга тайёрлаш, янги турмуш қурган оилалар билан ишлаш бўйича кенг қамровли тадбирлар ўтказилади.

Бундан ташқари, маҳаллада чеварлик сирларини ўрганишга қизиққанлар учун машғулотлар олиб бориш йўлга қўйилган. Шу билан бирга мактабни битираётган йигит-қизларни муайян касб-ҳунарга йўналтириш мақсадида қатор ташкилотлар билан ҳамкорлик қилинмоқда. Яқин келажакда қўли гул тикувчи, моҳир пазанда бўлган уй бекалари учун маҳалла ҳудудида иш ўринлари ташкил қилиш ҳам кўзда тутилган.

Ҳозир баҳор фасли эмасми, маҳалла аҳли ободонлаштириш ишларига ҳар қачонгидан кўра кўпроқ эътибор қаратаяпти. Жумладан, йўлаклар тартибга келтирилмоқда. Кўчалар четига гул кўчатлари ўтқазилмоқда. Янги боғлар яратилмоқда. Ўтган йиллар давомида экилган мевали ва манзарали дарахт кўчатлари эса бугун бўй чўзиб, маҳалла чиройини янада очган.

Кўпни кўрган отахону онахонларимиз кимгадир баҳо бермоқчи бўлса, аввало, унинг эл-юрт олдидаги хизматларини тилга олади. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки эл-юрт корига яраш ҳар бир шахснинг чинакам ватанпарвар фуқаро бўлиб етишишида муҳим аҳамият касб этади. Бу ҳақиқатни «Дўстлик» маҳалласининг каттасию кичиги яхши билади. Улар яна куч — бирликда, ҳаловат — тотувликда эканини аллақачон англаб олган. Шу сабабли маҳалла аҳли юрт тинчлиги, эл фаровонлиги ва Ватан тараққиёти йўлида елкамаелка туриб меҳнат қилишга астойдил бел боғлаган.

***

*Пойтахтимиздаги 509-болалар боғчасида тарбияланувчи 150 нафар болажонлар айни кезда ўз билими ва зукколиги билан бошқа тенгдошларига ўрнак бўлишмоқда. Сабаби, бу масканда турли байрам ва тадбирлар кичкинтойлар иштирокида эсда қоларли тарзда ўтмоқда.*

# ЖАЖЖИЛАРНИНГ ҚУВОНЧИ ЧЕКСИЗ

Дилноза МИРЗАЙИТОВА

ТАДБИРЛАРДА ҳар бир болакай ўзига хос роль ижро этади. Бундан тарбиячилар ўз меҳнатлари бесамар кетмаётганидан бир қувонса, ота-оналарнинг севинчи ҳам чексиз бўлади.



***СУРАТДА:** Собир Раҳимов туманида жойлашган 509-боғча тарбияланувчилари ижросидаги кичик саҳна чиқишларидан кўринишлар.*



*Азиз ва муҳтарам отахон ва онахонларимизни, метин иродали халқимизни, барча-барчани Хотира ва қадрлаш куни билан қутлаймиз. Бахтимизга ҳамиша соғ ва омон бўлинглар!*

**СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ**



*Мана шу фаровон кунларда фидокорона меҳнати билан юртимиз ободонлигига ҳисса қўшаётган, ўзаро биродарликда умргузаронлик қилаётган барча фидойи инсонларни Хотира ва қадрлаш куни билан муборакбод этамиз.*

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ҚЎМИТАСИ ЖАМОАСИ**



## Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигига

# ШАРҚНИНГ БОҚИЙ ШАҲРИ

*Ўрта асрларда «Ғарбда — Рим, Шарқда — Самарқанд» деган ибора илму фан, маданият аҳли орасида кенг тарқалган ва жуда машҳур бўлган. Зотан, Европа тамаддунида Рим қандай роль ўйнаган бўлса, Шарқ маданияти тарихида ҳам Самарқанд шундай аҳамият касб этган.*

**Нурали ШОДИЕВ,**
**«Жамият» мухбири**



*Бугун Самарқандга келган ҳар бир меҳмон, энг аввало, Гўри Амир мақбарасини зиёрат қилади.*

### ЕР ЮЗИНИНГ САЙҚАЛИ

МАМЛАКАТИМИЗ Президентининг «Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори юртимиз аҳлини, қолаверса, дунёнинг турли минтақаларида яшаётган Самарқанд шайдоларини мамнун этди. Зеро, сайёрамизнинг барча қитъаларида Самарқандни билишади, яхши кўришади ва унга интилишади.

Ёдингизда бўлса, давлатимиз раҳбари 2003 йили октябрь ойида Самарқандга ташрифи чоғида шаҳар тарихи музейи материаллари билан танишиб, Самарқанднинг шаҳар сифатида шаклланган энг қадимги давр археологик манбаларини йиғишни, унинг юбилейи санасини қайта кўриб чиқишга асос бўладиган илмий ҳужжатларни тайёрлаш лозимлигини айтган эдилар. Бунинг самараси ўлароқ, 2005 йил 20 октябрда ЮНЕСКО Бош конференциясининг 33-сессиясида Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигини нишонлаш ва унда ЮНЕСКОнинг иштирок этиши ҳақидаги қарор эълон қилинди.

Самарқанднинг юбилейини нишонлаш алоҳида мазмун-моҳият касб этади. Чунки ер юзида бундан қадимийроқ, барҳаёт бошқа шаҳар йўқ. Рим, Афина, Эребуни, Вавилон ҳам худди шу ёшда. Аммо дунёда фақат икки шаҳар — Рим ва Самарқанд боқий шаҳар номини олган.

Тарихчи олим Темур Шириновнинг ёзишича, милоддан аввалги IV асрда македониялик фотиҳ Александр Болқон ва Мисрдан тортиб то «дунё чегараси» бўлмиш Ҳиндистон ва Фарғонагача бўлган ерларни бирлаштириб, буюк империя тузди. Александрнинг шарқдаги суюкли шаҳарларидан бири Самарқанд бўлган. Бу ҳақда айниқса, юнон тарихчилари кўп эътиборли манбаларни қайд этишган. Хусусан, Самарқанд биринчи маротаба муаррих Арриан томонидан «Мараконда» номи билан тилга олинади: «Александр ўз армияси ва барча аравалари карвони билан шимолга жуда секинлик билан силжир эди. Унинг қўшинларига от етказиб бериш тўғрисидаги маҳаллий аҳоли томонидан олинган мажбурият амалга оширилгандан кейин у Маракондага жўнади».

Шаҳарларни археологик ўрганиш ва ёшини аниқлашнинг бутун жаҳон тан олган усуллари мавжуд. Машҳур инглиз олими, археолог Гордон Чайлд 1950 йилда «Шаҳар маданияти инқилоби» мақоласида шаҳар мақоми берилиши мумкин бўлган ёдгорликлар тушунчасига оид 10 та сифат белгиларининг бўлиши шартлигини илгари сурди. Булар: шаҳар майдонининг катталиги, аҳолиси деҳқонлардан ташқари ҳунармандлар, савдогарлар, бошқарувчилардан иборат бўлмоғи, монументал бинолар, сарой, ибодатхона ва истеҳкомларда ёзув ва тақвимнинг бўлиши, астрология ва илму фан куртаклари, санъат асарлари мавжудлиги, узоқ юртлар билан савдонинг ривожланганлиги, меҳнат қуроллари ясашга ихтисослашган ҳунармандларнинг бўлиши ва давлат ташкилоти мавжудлиги.

— Ана шу асосда Афросиёб ҳаробалари ўрганилди, — дейди археолог олим Темур Ширинов. — Натижада ер сатҳидан 10-15 метр чуқурликда жойлашган қатламлардан милоддан аввалги IX-VIII асрларга оид ашёлар — қўлда ясалган рангли нақшли сопол идишларнинг парчалари, гуваладан ясалган, қалинлиги етти метр келадиган мудофаа девори қолдиқлари топилди.

Шу тариқа археологик материаллар асосида Самарқанднинг ёши 2750 йил экани ва у Римнинг тенгдоши эканлиги исботланди.

Соҳибқирон Амир Темур даврида Самарқанд ер юзининг сайқалига айланди. Ул зот Самарқандни ўзгача бир меҳр билан обод қилди, қурди, уни дунёнинг марказига айлантиришга муваффақ бўлди.

### ТАМАДДУН ВА ТАРАҚҚИЁТ

САМАРҚАНДНИ бежизга «Бой шаҳар», «Туризм Маккаси» деб таърифлашмайди. Улуғ аждодларимиз ақл-заковати ила бунёд этилган мўъжизакор обидалар, асрлар оша мовий осмонга тегиб турган нилий гумбазлар, Шарқ меъморчилик санъатининг дурдоналари бўлган нақшинкор кошинлар ҳар қандай кишини ҳайратга солади. Ана шу ҳайратни чилилик буюк шоир Пабло Неруда қуйидагича изоҳлаган эди: «Мен жаҳоннинг барча мамлакатида бўлганман. Лекин уларнинг ҳеч бири қадимий Самарқандчалик ўчмас хотиралар қолдиргани йўқ. Бу шаҳар ўзининг дунёга машҳур тарихий ёдгорликлари, маданий мероси ва гўзал санъатлари билан мени лол қолдирди. Айниқса, Регистон ансамблини томоша қилиб, ҳайратга тушдим, ўзимни гўзал эртаклар оламига кириб қолгандек ҳис қилдим. Ансамблнинг бетакрор меъморий қурилиши мен шарқ мусулмон оламида кўрган барча обидалардан-да мафтункор эди».

Истиқлол йилларида Юртбошимиз ташаббуси билан «Тошбошплан» лойиҳа-илмий текшириш институти томонидан Самарқанд шаҳ-

> *Улуғ аждодларимиз ақл-заковати ила бунёд этилган мўъжизакор обидалар, асрлар оша мовий осмонга тегиб турган нилий гумбазлар, Шарқ меъморчилик санъатининг дурдоналари бўлган нақшинкор кошинлар ҳар қандай кишини ҳайратга солади.*

рини ривожлантиришнинг 2025 йилгача бўлган бош режаси ишлаб чиқилди. Айни пайтда мазкур режа бўйича ишлар жадал олиб борилаяпти. 2004 йилда Регистон ансамбли тўлиқ таъмирланди. Атрофи ободонлаштирилиб, унга уйғунлашмаган пастқам бинолар олиб ташланди. «Чорсу» тарихий биноси шарқона анъаналарга монанд равишда қайта таъмирланди.

2004 йилда Вазирлар Маҳкамасининг «Шоҳи Зинда ёдгорлик мажмуасида қайта тиклаш ва ободонлаштириш ишларини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори қабул қилингач, мажмуадаги қадимий обидаларни тиклаш, қайта таъмирлаш ва асл ҳолатига қайтариш ишларига республикамизнинг барча ҳудудларидаги тажрибали меъморлар жалб этилди.

Ўтган икки йилда Шоҳи Зинда ёдгорлик мажмуаси ва Бибихоним мадрасаси оралиғида бажарилган бунёдкорлик ишлари нафақат салмоқли, балки сифати жиҳатидан ҳам таҳсинга сазовор. Кечки бозор ва ён атрофдаги кўримсиз иншоотлар ўрнида барпо этилган кўкаламзор майдон, тўлиқ қайта қурилган катта йўл мажмуа атрофини бутунлай ўзгартириб юборди. Гўри Амир мақбараси, Регистон, ал-Мотуридий зиёратгоҳи, Жоме масжиди, Бибихоним ва Шоҳи Зинда ёдгорликлари билан Улуғбек расадхонаси йўналишидаги йўл қурилиши Самарқандда туризмнинг ривожланишида, сайёҳларнинг айнан тарихий обидаларни зиёрат қилишларида қулайлик яратди.

«Зарафшон» акциядорлик жамиятига қарашли корхона шу пайтга қадар тарихий обидалар ёнида фаолият кўрсатарди. 2006 йил корхонани бу ердан бутунлай кўчиришга қарор қилинди. Ва унинг ўрнида 4 гектарли майдонда боғ барпо қилишга киришилди. Ўтган йили Эски шаҳарда газлаштириш ва ичимлик суви таъминотини яхшилаш билан боғлиқ кенг қамровли ишлар олиб борилди. Рўдакий кўчаси билан Ибн Сино кўчасини боғловчи янги йўлнинг қурилиши Эски шаҳар ҳудудида транспорт қатновини тартибга солишга имкон яратди.

### ЭЪТИБОР ВА ЭҲТИРОМ

БУГУН Самарқандга келган ҳар қандай меҳмон, энг аввало, Гўри Амир мақбарасини зиёрат қилади. Исмоил Бухорий, Абу Мансур Мотуридий ёдгорлик мажмуалари сари ошиқади. Бибихоним, Ҳазрати Хизр тарихий обидаларига ташриф буюради. Улуғбек, Тиллакори, Шердор мадрасалари қаршисида қанчалик лол қолса, Шоҳи Зинда ёдгорлик мажмуаси зиёратида шунчалик ҳайратга тушади. Дунё аҳли донишлари томонидан «Инсоният тафаккурининг шоҳ асари» дея баҳоланган Шоҳи Зинда гумбазларида илоҳий нурлар жилоланади.

Мамлакатимиз Президенти ташаббуси билан Афросиёб ва бош архитектурага оид ёдгорликлар ЮНЕСКОнинг «Бутун жаҳон аҳамиятига молик шаҳарлар рўйхати»га киритилган.

Ушбу нуфузли ташкилотнинг бош директори Коитиро Мацуура ўтган йили Самарқандга ташрифи чоғида, мустақиллик йилларидаги бунёдкорлик, ёдгорликларнинг таъмирланиши, реставрация ишларининг юқори савияда бажарилганлигини эътироф этиб, «Самарқанднинг жаҳон цивилизациясига тарақҡиётидаги ўрни беқиёсдир, у нафақат ўзбек халқининг, балки бутун инсониятнинг мулки» эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Қадимий ва ҳамиша навқирон шаҳарда мамлакат ва жаҳон миқёсидаги кўплаб тадбирлар ўтказиш анъанага айланиб қолди. Улардан бири ҳар икки йилда ташкил этилаётган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалидир. Бу йил самарқандликлар олтинчи бор мусиқа фестивали иштирокчиларини қарши олишади. Аҳамиятли томони, бу галги анжуман мамлакатимиз мустақиллигининг 16 йиллиги ва қўҳна Самарқанднинг 2750 йиллиги тантаналарга уланиб кетади. Демак, дунёдаги энг мўъжизавий ўзига хос шон-шуҳрат ва нуфузга эга бўлган шаҳарнинг қутлуғ тўйида бутун жаҳон санъат аҳли ҳам иштирок этади.

ЖАМИЯТ
СИЗНИНГ ГАЗЕТАНГИЗ
2007 йил 11 май № 19 (32)

# ШОНАЗАР МУАЛЛИМНИНГ ҲИММАТИ

## ёхуд ризқ-рўз ҳам, бахту тахт ҳам оёғинг остидаги замин билан боғлиқлиги хусусида



*Қирқ йилча аввал педагогика институтининг жисмоний тарбия факультетини битирган шерободлик Шоназар Жумаев ўн йилча қишлоқ мактабида муаллимлик қилди. Сўнг йигирма йилдан зиёд ички ишлар идораларида ишлади. Пенсияга чиққандан сўнг отамерос томорқасига меҳр берди.*

**Бахтиёр ОЛЛОМУРОД,**
**«Жамият» мухбири**

— ПЕНСИЯГА чиқиб иссиқхона қуришни ният қилдим, — дейди Шоназар муаллим. — Бироқ, иссиқхона деганлари орзунинг ўзи билан қурилмас экан. Имкониятимга қараб иш тутдим. Дастлаб бир ярим сотих ерда иссиқхона қурдим. Ўша йили қиш иликроқ келди, газдан кам фойдаландим. Куёш тафтининг ўзи етарли бўлди. Ҳосил ёмон бўлмади. Унинг даромадидан кейинги йили олти сотихли иссиқхона қурдим. Бироқ, омад оқсаб, қиш қаҳрли келди. Иситиш ўчоғини фақат газга мослаб хато қилган эканман. Ўша йили барча ҳосилни аёз уриб кетди. Бундан сабоқ чиқариб, иситиш қозонини газдан бошқа ёнилғилар, зарур бўлганда, ўтинга ҳам мослаб қайтадан тузатдим. Уни тўйқозоннинг ўчоғидек кенг қилдим. Токи, қуриган дарахт танасию, эски ғўлаларни чопиб, саржинлаб ўтиришга ҳожат қолмасин, дедик. Мана бир неча йилдирки, иссиқхонамизнинг помидору бодринглари бозорларда харидоргир бўлиб келмоқда. Ўтган йили ўн икки сотих иссиқхонамиздан ўн миллион сўмдан зиёд соф даромад кўргандик. Бу йил биринчи терган ҳосилимизнинг ўзидан шунча фойда олдик.

Шоназар муаллимнинг, умуман, шерободликларнинг иссиқхона барпо этиши ва унда бозоргир помидор-бодринг етиштиришларига одамнинг дафъатан ишонгиси келмайди. Негаки, яқин эллик, юз йил ичида шерободликларнинг бундай ишга қўл урганини ҳеч ким кўрган эмас. Гапнинг рости, бу заминнинг одамлари анор етиштиришда бошқаларга ўрнак бўлиши мумкин. Бироқ, анору ўрик, хурмою узум каби вақти соати билан Сурхон қуёши тафтида пишиб етиладиган неъматлар бошқа-ю, иссиқхонада етиштириладиган «эрка ва инжиқ» сабзавотлар бошқа! Ундан мўл ҳосил олиш илмини ўзлаштириш учун қанча вақт, қанча сабру бардош керак бўлади кишига. Хўш, Шоназар муаллимни ерга «эгилиш»га, бобомерос кетмонни ушлашга ундаган нарса нима? Бунга жавобан қаҳрамонимиз шундай дейди:

— Илгарилари олти сотихгина ҳовлимда ўзимиз учун анор етиштирганман. Бироқ, Шеробод бозоридаги бир ҳолатни сира тушуна олмасдим. Барча харидорларни суқлантириб, ял-ял товланиб турган олма қаерники деб сўрасангиз Тожикистон ёки Жиззахники бўлиб чиқарди. Февраль-март ойлари, яъни айни «илик узилди» паллада бозоримизда нархи фалон пул бўлган помидор-бодринглар ҳам Самарқанду Тошкент тарафдан келтириларди. Бу пайтларда йигирма сотихдан ярим гектаргача томорқаси бўм-бўш ётган Шерободнинг айрим шербилак йигитлари эса, «иш йўқлиги»данми, камхаржликданми нолиб пивохоналарда ўтирган бўларди. Энг серқуёш замин бизда бўлса-ю, қозонимизга соладиган маҳсулотни етиштира олмасак, уят эмасми? Хуллас, шу масала фикру ўйимни банд қилиб юрган кезларда йигитлик бурчини Самарқанд вилоятида ўтаб юрган жияним бир дўстининг помидор етиштирадиган катта иссиқхонаси борлигини айтиб қолди. Жиянни кўриб келиш, баҳонада иссиқхонани томоша қилиб, ўрганиш мақсадида Самарқандга бордим. Мезбонлар изатимизни ўрнига қўйишди. Иссиқхона барпо этишни ҳам ўргатишди. Рости, мен у ерда иссиқхона эмас, мўъжиза кўргандек бўлдим. Ойнаванд иншоотнинг ташқарисида қиш, ичкарисида эса қип-қизил помидорлар иссиқхона шифтига чирмашиб, осилиб ётибди. Улардан лойиҳани олиб, миридан сиригача миямда пишитдим. Айрим танишларим «Эй, қўйсанг-чи, оғримаган бошингни оғритмай тинчгина юравермайсанми» деб йўлдан қайтармоқчи ҳам бўлишди. Аммо, яхши ниятда оғримаган бош ҳам бошми, дедим...

Энди иссиқхона деганларини қуриб битказгандан сўнг ҳам тупроқ ўз-ўзидан ҳосил беравермайди. Помидор, бодринг экиладиган ернинг ўзини чиринди-ўғитга тўйинтириб, камида етти марта бел тепиб ағдарамиз. Токи «феъли нозик» уруғдан униб чиққан палак унда бемалол илдиз отсин. Иссиқхонамизнинг ҳар сотих ерида уч юз туп помидор кўчати униб чиқади. Бодринг экканда ҳам худди шундай натижага эришиш мумкин. Бунинг учун махсус буюртма билан помидор ва бодрингнинг иссиқхонабоп голландча навли уруғидан сотиб оламиз. Унумдор тупроқда бекаму кўст униб ривожланган помидору бодрингларимизнинг ҳар тупи беш ярим-олти килодан ҳосил беради...

Шоназар муаллимни болалигимдан танийман. Табиатан вазмин, камгап, полвонкелбат бу инсон жисмоний тарбиядан дарс бериш билан бирга синфимиз раҳбари ҳам эди. Бугун менинг ўша камгап муаллимим ўзининг эзгу мақсадларини, ибратли ишларини бурро-бурро гапирмоқда. Одатда омади юришган, турмушидан, рўзғори бутлигидан мамнун одамгина мана шундай баралла гапира олади.

— Баъзан тоғни талқон қилишга қодир йигитларнинг иш излаб ўзга юртларга боришни фикр қилиб юрганини кўриб ҳайрон қоламан, — дейди Шоназар муаллим. — Ахир ризқ ҳам, бахту тахт ҳам оёғинг остидаги тупроқда-ку, болам, дейман. Ўтган йили ўз ҳисобимдан маҳалламиздаги мактабнинг уч нафар аълочи ўқувчисига стипендия жорий этдим. Кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатдик. Бугун бундай хайрли ишлар қўллаб-қувватланаётгани бизларни янада руҳлантиради. Хўш, ишлайман, ҳалол меҳнатим орқасидан бой-бадавлат бўламан, деган одамга бундан ортиқ яна нима керак?..

Шоназар муаллим билан хайрлашар эканман, жаннатмонанд юртимиз замини, ери ўз эгалари қўлида минг бир саховатини намоён этаётганидан кўнглим қувончларга тўлди.



*Азиз юртдошлар!*
*Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан барчангизга бахт-саодат, тинчлик-хотиржамлик ва мустаҳкам соғлиқ тилаги мужассам бўлган ушбу табригимизни қабул қилишингизни сўраймиз!*
*Келажаги буюк Ватанимиз осмони ҳамиша мусаффо бўлсин!*

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ОҚОЛТИН ТУМАНИДАГИ «КУБАЕВ» ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ ЖАМОАСИ



*Меҳр-оқибатда, ҳиммату саховатда олам аҳлига ўрнак бўлгувчи она халқимизни Хотира ва қадрлаш куни билан муборакбод этамиз. Ҳамиша қалбингиз эзгулик нурига, байрамона қувончга лиммо-лим бўлсин, азиз юртдошлар!*

**«СУРХОНПАХТАСАНОАТ» ҲУДУДИЙ АКЦИЯДОРЛИК БИРЛАШМАСИ ЖАМОАСИ**

# ПАРЛАМЕНТДАГИ БАҲСЛАР

***Айни кунларда афғон парламенти оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонун лойиҳасини муҳокама этмоқда, деб хабар беради Press-uz.info ахборот агентлиги. Айрим депутатлар қонуннинг чет эл компаниялари ва нодавлат ташкилотларга мамлакат ҳудудида оммавий ахборот воситаси ташкил этиш ҳуқуқини берувчи бобларига қарши чиқдилар.***

ЧЕТ элликлар тасарруфидаги оммавий ахборот воситаси афғон жамиятига бегона маданий қадриятларни олиб киришга хизмат қилиши мумкин, деб хавотирланмоқда депутатлар.

Аммо уларнинг оппонентлари қонундан мазкур бобларнинг чиқариб ташланиши «бегона қадриятлар экспорти»га тўсиқ бўлолмаслигини таъкидламоқдалар. Чунки, чет элликлар ҳар қандай шароитда ҳам маҳаллий оммавий ахборот воситасини молиялаштириш ҳуқуқи орқали уларни ўзлари истаган йўлга сола оладилар.

Айни пайтда Афғонистонда чет эл фуқаролари, компания ва нодавлат ташкилотлар ҳеч қандай чекловларсиз оммавий ахборот воситасининг ҳар қандай турини рўйхатдан ўтказишлари мумкин.

***«Freedom House» деб номланувчи ташкилот ўзининг бачкана фикрлари билан жаҳон жамоатчилигининг яна бир бор кулгусига учради. Бу гал унга ибратомуз пешлавҳаси ҳам ниқоб бўла олмади. У ўзининг ахборот уруши қуроли эканини рўйрост кўрсатиб қўйди, деб ёзади «Политический гексоген» интернет нашри.***

Бинобарин, ажабланишга асло ўрин йўқ, чунки «Freedom House» («Озодлик уйи») жамоатчилик фикрини урушга тайёрлаш учун ўз даврида Франклин Д.Рузвельт томонидан тарғибот агентлиги сифатида тузилган эди. У «совуқ уруш» кезларида бутун фаолиятини «советлар лагерини» лаънатлашга бағишлади. Мана советлар аллақачон тарих саҳнасидан ўчиб кетди, лекин «Freedom House» ҳамон яшаяпти, ўша даврга хос «гапларни» тинмай тўтиқушдай такрорлаяпти.

Мазкур тарғибот агентлигининг бу тарздаги «информацион бомба»лар тайёрлаш технологияси ҳаммага маълум. Буни билмаганлар учун айтиш керакки, «Freedom House» маърузалари турли давлатларнинг ўзида фаолият кўрсатаётган ва молиявий жиҳатдан «Freedom House»га қарам ва аксарият ҳолларда нолегитим бўлган «нодавлат ташкилотлар» етказиб бераётган ахборотлар асосида тайёрланади. «Нодавлат ташкилотлар» бунинг учун чет эл гранти тарзида «чойчақа» олиб турадилар. Мабодо, «салбий ҳолат»лар бўйича ахборотлар ўз вақтида етказиб турилмаса, «молиявий жилға» ҳам тезда қуриб қолади. Бунга йўл қўймаслик мақсадида айрим «ҳуқуқ ҳимоячилари» асоссиз, нохолис ахборотларни юборишдан ҳам тоймайдилар. Оқибатда, «Freedom House» маърузасига ўхшаш, ҳақиқатдан йироқ ахборотларга тўлиб-тошган «нуфузли» маърузалар юзага келади.

# «СОВУҚ УРУШ»ДАН ҚОЛГАН «ТЎТИҚУШ»

ГАП шундаки, ўтган ҳафта ахборот агентликлари тарқатган ахборотлар орасида «Freedom House» тайёрлаган навбатдаги маъруза ҳақидаги хабарлар ҳам учраб турди. Ҳар йил тайёрланадиган ушбу маърузада дунёдаги матбуот эркинлиги билан боғлиқ вазият танқид остига олинган. Бу гал америкалик ташвиқотчилар матбуот эркинлиги бўйича биринчи ўринни Финляндия ва Исландияга беришган. Охирги – 195-ўрин, ҳар галгидек, Шимолий Кореяга насиб этган.

Гап «Freedom House» ҳақида кетганда, айтиш жоизки, у йилдан-йилга «совуқ уруш» замонларидан қолиб кетган тўтиқушга айланиб бораяпти.

***«Инсон ҳуқуқлари» мавзусида АҚШ давлат департаменти навбатдаги маърузани эълон қилди, деб ёзади «Аргументы и факты» газетаси.***

# МАЪРУЗА ЗАМИРИДАГИ САФСАТАЛАР

ВАШИНГТОН бир қатор давлатларда гўё инсон ҳуқуқларига хавф солувчи қуйидаги ҳолатларни топибди: яъни, мазкур давлатлар қонунчилигида белгиланган мажбурий ҳисобот ва рўйхатдан ўтиш шакллари нодавлат ташкилотларнинг эркин фаолият юритишига монелик қилар эмиш. Ҳолбуки, АҚШнинг ўзида ҳар қандай нодавлат ташкилоти рўйхатдан ўтиши учун 240 та саволдан иборат анкетани тўлдириши, сон-саноқсиз ҳужжатлар тақдим этиши лозим. Боз устига, Америка қонунчилиги у ёки бу тарзда сайловлар билан боғлиқ жараёнларда иштирок этаётган сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари ва бошқа тузилмаларни чет давлатлар, ташкилотлар ёки фуқаролар томонидан бевосита ёки билвосита молиялаштиришга йўл қўймайди.

Ваҳоланки, немис нашри «Шпигель» журнали маълумотларига кўра, АҚШ давлат департаменти 2002 йилдан буён давлат ғазнасидан «Миллий демократия институти» ва «Халқаро республика институти» орқали биргина Украинадаги сайловлар учун 65 миллион доллар сарфлаган. Бундай аралашувлар Сербия, Грузия, Қирғизистон ва бошқа қатор давлатлардаги сиёсий жараёнларда ҳам яққол кўзга ташланди. Аммо бирон-бир хорижий нодавлат ташкилоти АҚШнинг сиёсий ҳаётига аралашишга уриниб кўрса борми, мазкур нодавлат ташкилоти муассиси ўша заҳотиёқ таъсис ҳужжатларида «ёмон ният билан ёлғон маълумотлар бергани учун» деган айблов билан жазога тортилади ёхуд 10.000 доллар жарима солинади ёки унинг мутасаддилари беш йилгача озодликдан маҳрум этилади.

***«Шпигель» журнали маълумотларига кўра, АҚШ давлат департаменти 2002 йилдан буён давлат ғазнасидан «Миллий демократия институти» ва «Халқаро республика институти» орқали биргина Украинадаги сайловлар учун 65 миллион АҚШ доллари сарфлаган.***

Америка маъмурлари ўзларининг айрим демократияга хилоф хатти-ҳаракатларини терроризмга қарши курашни кучайтираётганлари билан хаспўшлайдилар. Хусусан, 2001 йил 11 сентябрдаги террорчилик ҳужумидан сўнг дарҳол қабул қилинган «Ватанпарварлик ҳужжати» ана шундай хатти-ҳаракат натижаси деб баҳоланди айрим фуқаролар томонидан. Ушбу қонунга қарши чиқишга журъат этгани учун «Америка фуқаролар эркинлиги иттифоқи» деб номланувчи нодавлат ташкилот АҚШ ҳукумати фондидан "Ягона федерал компаниялар» деб аталувчи тизим орқали ҳар йили ажратиладиган хайрия маблағидан маҳрум бўлди. Жами 500.000 АҚШ долларини ташкил этувчи бу маблағ хайрия мақсадлари учун ажратиларди. «Халқаро амнистия», «Рангли аҳоли тараққиётига кўмаклашувчи миллий ассоциация» сингари «нобоп ташкилотлар» ва бошқа тузилмалар ҳам ҳукумат томонидан бериладиган маблағлардан шу тарзда мосуво бўлдилар.

АҚШ ҳудудида бошқа чет эл мамлакатларнинг нодавлат ташкилотларини кўпайтириш компанияси бошланса, шубҳа йўққи, бу саъй-ҳаракатлар, албатта, америкалик маъмурлар таъқибига учрайди. Ана шунда ҳам «инсон ҳуқуқларининг бузилиши» ҳақидаги маъруза матни тайёрланармикан?

**МАВЗУГА ДОИР**. Америкалик маъмурлар ўз сиёсатлари учун фойдали сафсаталар ўйлаб топишга жуда устаси фаранг. Буни шу кунларда содир бўлган бир можаро ҳам яққол исботлайди. АҚШ армиясининг оддий аскари Жессика Линч армия раҳбарларини уни ўз виждонига хилоф тарзда жабрланган қаҳрамонга айлантирганликда айбламоқда. Бу чўпчак 2003 йилда пайдо бўлган. Гўё яраланган Линчни ироқлик жангарилар асир оладилар ва қийноқларга солиб, сўроқ қиладилар. Кейин эса америкалик довюрак махсус жангчилар гуруҳи ўз ҳаётларини хавф остида қолдириб бўлса-да, Жессини озод қиладилар. Буларнинг бари видео тасмаларга муҳрланади. Амалда эса бояқиш қиз автофалокатга йўлиққан эди, ироқлик шифокорлар уни даволаб, ҳатто «тез ёрдам» машинасида унинг ҳарбий бўлинмаси турган жойга элтишга урингандилар. Бироқ машина ўққа тутилади. Бир неча кундан сўнг эса Линч ётган палата пахтаванд ўқлар билан штурм қилиниб, бўм-бўш госпиталда ўзига хос «қаҳрамонлик шоуси» уюштирилади. Афсуски, қутқарилган одам «яхшиликни билмайдиган»лар хилидан чиқиб, «шоу» ҳақидаги ҳақиқатни бутун дунёга ошкор қилди.

Интернет материаллари асосида Норбобо ШАКАРОВ тайёрлади.

*Юртнинг баҳодир ўғлонлари*

# ИРОДА ВА ҚАТЪИЯТ ТИМСОЛИ

***1998 йил. Миср Араб Республикасидаги муҳташам спорт мажмуаларидан бирида армрестлинг спорт тури бўйича жаҳон чемпионати бўлиб ўтмоқда.***

**Дилфуза МИРЗАКАРИМОВА,**

**«Жамият» мухбири**

Дунёнинг кўплаб мамлакатидан келган полвонлар ўз кучларини синовдан ўтказа бошлади. Мусобақа ҳаками майдонга ўзбекистонлик Умиджон Аҳмедовни таклиф қилганида араб заминидаги минглаб мухлислар қаторида, телеэкран орқали ушбу беллашувни диққат билан кузатаётган миллионлаб ҳамюртларимизнинг ҳам юраклари ҳаяжонга тўла бошлади. Метин иродали, лафзу қарорида собит ўзбек йигити ўз халқининг ишончини, нон-тузини амалда оқлади. Ана шу буюк ишонч унга қаршисида турган забардаст рақибларидан чўчимасликка, аксинча, уларни мағлуб этишга ундади. Шундай бўлди ҳам. Умиджон ўз вазн тоифасидаги барча рақибларини мағлубиятга учратиб, жаҳон чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлди. Юртимиздан олис-олисларда унинг шарафига Ўзбекистон байроғи кўтарилиб, мадҳиямиз янгради.

Буни дастлаб кўпчилик тасодифий ҳол деб билганди. Албатта, юзлаб мамлакат вакиллари ичида биринчи бўлиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Бу катта куч ва жисмоний тайёргарликни талаб этади. Лекин Умиджон Аҳмедов ўшанда қўлга киритган ғалабасининг тасодиф эмаслигини яна кўп бор исботлади. Россия (1999), АҚШ (2000), Миср (2001), Польша (2002), Япония (2005) давлатларида ўтказилган навбатдаги жаҳон чемпионатларида ҳам шоҳсупанинг юқори поғонасидан жой олди. Икки марта қитъа чемпионлигини қўлга киритди...



Сўлим водийнинг Кўқон шаҳрида туғилган Умиджон яқинда йигирма саккиз ёшга тўлади. У йигирма уч йил муқаддам рўй берган бир воқеани ҳамон алам билан эслайди. Ўшанда у полиомиелит касаллигига қарши эмлаш жараёнида шифокорнинг қўпол хатоси туфайли бир умрга ногирон бўлиб қолганди. Лекин унинг яқинлари, онаси Хайринисо опа ва устозлари яккаланиб қолишига йўл қўйишмади. Доимо ёнида бўлиб, унга далда бўлишди. Умиджон мактабни аъло баҳоларга битирди. Спорт билан шуғулланишни канда қилмади. Машғулотларга узлуксиз қатнашиб, ўз устида тинмай ишлади. Эзгу мақсад йўлида чекилган заҳматлар иродаси мустаҳкам йигитни муваффақиятлар сари етаклади.

— Иккинчи синфда йиқиб юрган пайтимда йнг оёғим оғриб, юришга қийналиб қолдим, — дейди Умиджон. — Мени узоқ текширишлардан ўтказган врачлар полиомиелит касаллигига қарши эмлаш, ўша ношуд ҳамкасбларининг машъум хатосининг асорати деган хулосага келишди.

Бундан қаттиқ тушкунликка тушиб, изтироб чекдим. Бахтимга мени даволаётган шифокор бағрикенг инсон экан. У кишининг ширинсухан ўгитлари билан менда ҳаётга қизиқиш уйғотди. «Руҳингни чўктирма, тақдирингни спорт билан боғлашинг керак, ўғлим», дея таскин берди.

Бир неча йиллар муқаддам Ҳиндистонда бўлган мусобақада Умиджон совриндорлар қаторидан ўрин эгаллаганида волидаси қанчалар суюнган эди... Кўзида ёш билан «Ҳали, худо хоҳласа, чемпион ҳам бўласан, ўғлим», дея дуога қўл очганди. Шу дуолар ижобатидан кейинчалик Умиджон олти марта жаҳон чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлди. Оғир ва маҳзун кунларида унга меҳр кўрсатган, далда бўлган яна бир инсон Гулистон шаҳар ногиронлар уйи директори Мукаррам ая Абдураимовадир. Мукаррам ая оналарча меҳр билан, «Сен келажакда жаҳон чемпиони бўлишинг учун қўлимиздан келган ёрдамимизни аямаймиз» деган эди. Спортга берилаётган катта эътиборга, Умиджон сингари спортчиларимиз ҳам ўз ғалабалари билан муносиб жавоб қайтариш керак.

Ҳа, Умиджон бугун ёшларга ибрат бўлмоқда. Айни пайтда бир неча шогирд тайёрлашга ҳам улгурди. Улардан — Фарҳод Худоёров, Амир Ўроқов сингари ёшлар аллақачон чемпион деган шарафли номга сазовор бўлишган.

Умиджон Аҳмедовнинг фидойи меҳнатлари давлатимиз томонидан муносиб баҳоланган. У «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спортчи» унвони ва «Жасорат» медали билан тақдирланган. Ҳозирда Гулистон шаҳрида истиқомат қилаётган Умиджоннинг ҳаётида яна бир қувончли воқеа юз берди: Зебунисо исмли қиз билан турмуш қуриб, олам-олам орзу-ниятлар оғушида янги ҳаётга қадам қўйди...




***2000 йил 9 майни қандай нишонлаганимизни эслай оласизми? Ўшанда қуёш тафти шу қадар баланд бўлган эдики, симоб устуни пойтахтимизда 35 даражадан, мамлакатимиз жанубида, хусусан Термизда 42 даражадан юқорига кўтарилиб кетган эди. Натижада баҳорда ёз чилласининг оташ нафасини ҳис қилган эдик... Бу галги 9 май об-ҳавоси эса рисоладагидай: ёғин-сочинсиз, ҳарорат 22-26 даража иссиқ бўлди.***

***Республика Гидрометеорология маркази хабарига кўра, эртага мамлакатимизнинг айрим туманларида қисқа муддатли ёмғир ёғади, момақалдироқ бўлади. 13-14 май кунлари ҳаво очиқ келади. 15 май куни эса айрим туманларда қисқа муддатли ёмғир ёғиши, момақалдироқ бўлиши мумкин.***

***Шарқдан эсаётган шамол йўналишини ўзгартириб, ғарбда секундига 7-12 метр тезликда эсади. 15 майда шамол кучайиб секундига 15-20 метрга етади. Ҳарорат кечаси 10-15, кундуз кунлари: 11-12 майда — 25-30, 13-15 майда — 28-33 даража иссиқ бўлиши кутилмоқда. Шимолий худудларда 20-25 даража иссиқ бўлади.***

***Республиканинг тоғли ҳудудларида ҳаво булутланиб туради, 12 май куни айрим жойларда қисқа муддатли ёмғир ёғиб ўтади, момақалдироқ бўлади. Ҳарорат кечаси 5-10, кундуз кунлари: 11-12 майда — 15-20, 13-15 майда — 18-23 даража иссиқ бўлади.***

# ТАТИМЛИ ВА ШИФОБАХШ

***Бозорларимиз қулупнайга тўлиб-тошди. Пештахталардаги сават-сават сархил неъматларни кўриб, кўз қувнайди. Айни кунларда уларнинг ёнида гилос ҳам пайдо бўлди.***

**Улуғбек БОБОЕВ**

ГИЛОС — раъногулдошларга мансуб, данак мевали ўсимлик, мамлакатимизнинг барча туманларида ўстирилади. Март ойининг охири, апрель ойида гуллайди, меваси навига қараб майиюнь ойларида пишади. Унинг мевалари татимли ва шифобахшлиги билан қадрланади.

Республикамизда ўсадиган гилос навларининг мевалари таркибида 19,2% қанд, 1,3% органик кислоталар бор. Шунингдек, гилос мевалари таркибида пектин моддалар, В1, В2, РР1, С витаминлари, каротин билан бир қаторда калий, кальций, магний, фосфор, темир тузлари мавжуд. Данагида 30 фоизгача мой бор. У техник мақсадлар учун ниҳоятда зарур маҳсулот ҳисобланади. Бундан ташқари гилос данагидан 1 фоизгача эфир мойи ажратиб олиш мумкин, ундан парфюмерия саноатида ва ликёр ишлаб чиқаришда фойдаланилади. Гилос дарахти кўп миқдорда елим ажратади. Бир қарашда у кераксиз нарсадай туюлади, лекин гилос тўқимачилик саноатида газламаларга жило бериш учун жуда керакли модда. Гилоснинг танаси ва илдиз пўстлоқларида 7-10 фоизгача танид моддаси бўлиб, улар тери ошлашда зарур омиллардан ҳисобланади.

Халқ табобатида гилос қувват бағишловчи неъмат сифатида тавсия этилади. Гулидан бод касаллигини даволашда фойдаланилади, чунки унинг таркибида салиция кислотаси мавжуд. Маълумки, бу модда тиббиётда ревматизмни даволашда кенг кўламда ишлатилади.

Замонавий тиббиётда гилосни камқонлик (гипохромная анемия) касаллигида истеъмол қилиш тавсия этилади. Бинобарин, гилос таркибида салмоқли миқдорда темир моддаси бор.

Гилосдан тайёрланган мураббо ва шарбатлар жуда мазали бўлиб, уларни уй шароитида тайёрлашни бекаларимиз жуда яхши билишади.




Шуни таъкидлаш керакки, гилос мевалари банди билан териб олиниши шарт. Акс ҳолда ундаги фойдали моддалар таркиби бузилади. Гилосни оддий шароитда 5 кунгача, ҳарорат 0 даража ва ҳавонинг нисбий намлиги 85-90% бўлганда 20 кунгача сақлаш мумкин.

**БОШ МУҲАРРИР**
**Сирожиддин РАУПОВ**
**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ**
Маъруфжон УСМОНОВ
Қиём НАЗАРОВ
Жамолиддин ҲАКИМОВ
Рифат САРБАЕВ
Рустам ҚОСИМОВ
Норбобо ШАКАРОВ
Беҳзод ҲОТАМОВ
Нурали ШОДИЕВ
**МУАССИСЛАР**
Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси
Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлар миллий ассоциацияси
Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш жамоат фонди
Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси
Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси
"Фуқаролик жамияти — Гражданское общество — Civil society" журнали
**НАВБАТЧИ МУҲАРРИР**
Абдували ҚУТБИДДИНОВ
**ДИЗАЙНЕР**
Ҳабибжон БОЛТАЕВ
**НАВБАТЧИ**
Элмурод ЭГАМҚУЛОВ
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41.
Буюртма рақами Г-436
Адади: 8018
Газета "Фуқаролик жамияти — Гражданское общество — Civil society" журналининг ҳафталик иловаси.
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йил 0010-рақам билан рўйхатга олинган.
**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:**
100003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 45-уй.
Маълумот учун телефонлар:
132-60-98, 132-60-74.
Электрон почта:
jamiat@mail.ru
«Жамият» дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Ⓣ — тижорат белгиси
Топшириш вақти: 20.00
Топширилган вақти:00.00

ЖАМИЯТ
СИЗНИНГ ГАЗЕТАНГИЗ
2007 йил 11 май № 19 (32)




# Тариф Биринчи

## УЙ ҲУДУДИ - БУТУН ЎЗБЕКИСТОН!

**Барча мобил рақамлардан кирувчи алоқа* - $0**
**Барча мобил рақамларга чиқувчи алоқа** -$0,02**

Уланишда минимал олдиндан тўлов – **5 000** сўм.

* Ўзбекистон бўйича Ўзбекистон ҳудудидаги барча уяли алоқа операторлари абонентларидан бўлган қўнғироқларда ва операторга тегишли префикс тўғри берилганда.
** Бир дақиқа учун, рақамлар операторларнинг қуйидаги префикслари билан терилганда: 998 **90**, 998 **93**, 998 **95**, 998 **98**.
*** Ўзбекистон бўйича бошқа кирувчи ва чиқувчи қўнғироқлар бир дақиқа учун - $0,04

**МТС абонентлари учун:**

- Халқаро GPRS роуминг хизмати Монголияда (Mobicom) ишга туширилди.
- Тармоқ кенгайиши давом этмоқда! Тошкентда қўшимча янги 4 база станцияси ишга туширилди.

Батафсил маълумотни **WWW.MTS.UZ** сайтида кўриш мумкин

Хизматлар лицензияланган

Ўзбекистон Республикасида хизматлар «Уздунробита» компанияси томонидан тақдим этилади

Тўловлар сўмда ЎзР МБнинг тўлов кунидаги курси бўйича амалга оширилади. Нархларга барча солиқлар киритилган.

МТС